

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

МУҲИТДИНОВ ШОҲИЖАҲОН ХУДОЁР УҒЛИ

**ҚИШЛОҚДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ
АКТДАН ФОЙДАЛАНИБ ОШИРИШ**

**08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Economics Sciences**

Мухитдинов Шохихахон Худоёр ўғли

Қишлоқда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб
ошириш

.....5

Мухитдинов Шохихахон Худоёр угли

Повышение качества коммунального обслуживания на селе с использованием
ИКТ.....29

Mukhitdinov Shoxijaxon Khudayar gli

Improving the quality of communal services in rural areas using
ICT.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ**

МУХИТДИНОВ ШОХИЖАХОН ХУДОЁР УҒЛИ

**ҚИШЛОҚДА КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИНИ
АКТДАН ФОЙДАЛАНИБ ОШИРИШ**

**08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Iqt1154 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Убайдуллаев Кайрулла
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хатамов Очилди Қурбонovich
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.1.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "9" август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz / info@edu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишин мумкин (D-264 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99 862) 224-67-00, e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил "28" июль куни таркатилди.
(2021 йил "28" июль даги 11 рақамли реестр баённомаси).



А.С. **И.С. Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д, профессор

Ш.Б. **Ш.Б. Рузметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент.

Б. **Б. Рузметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодий тараққиётнинг бугунги кундаги энг муҳим йўналишларидан бири коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ахборот коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиб оширишни эътироф этилмоқда. Коммунал хизматлар аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, тураржойларнинг қулайлиги ва ободонлиги, аҳолининг сув, газ, электр энергиясидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифа ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги улуши 75 фоизни ташкил этиб, коммунал хизматлар соҳасида эса 42 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодиёт тармоқларининг хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик Европанинг ривожланган мамлакатларида 75 фоиз, АҚШда эса 80 фоиз, Японияда 82 фоиздан ортади¹. Дунё миқёсида хизматлар соҳасини ривожлантиришда унинг ҳажми ва сифатини оширишда АКТдан самарали фойдаланиш муҳим рол ўйнайди.

Жаҳонда қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб оширишга инновацион ёндашиш асосида соҳада рақамли трансформация жараёнларини ҳисобга олиб, смарт коммунал хизмат кўрсатиш усуллари такомиллаштиришда илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг қишлоқ ҳудудларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар, ушбу соҳада ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсади нафақат шаҳарларда балки, вилоят туман ва қишлоқ жойларида иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлган коммунал хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ҳамда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди². Шу боисдан республикамизнинг қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш даражасини оширишга имкон берадиган қатор Давлат дастурлари қабул қилинган ва амалга оширилган. Ушбу вазифаларни ҳал этишнинг зарур шартларига қишлоқ жойларида коммунал хизматлар ва унинг тўловларни амалга оширишда (АКТ)дан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласи ҳам киради. Бу ўз навбатида аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш, коммунал хизматлар

¹ <http://www.worldbank.org/eca/russian/data/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, хизматларнинг янги “ақлли” турларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сонли “Хизматлар соҳаларини янада ривожлантириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5017-сон “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири коммунал хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан боғлиқ назарий-услубий масалалар бўйича иқтисодиёт соҳасидаги хорижлик олимлардан П.Давид, Ж.Ховкинс, Й.Бенклер, Д.Тапскотт, Н.Дамодар, Д.Жамес, Ж.Э.Ханки, М.Драбенстотт, Д.С.Стоффер, Р.Х.Думай, А.Г.Маслоу, В.А.Канке, Ж.С.Батист, Б.Фредерик, М.Альфред, Б.Багиратҳа, Д.Р.Баҳодур, С.Нараян, А.К.Перера³ ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

МДХ мамлакатлари олимларидан С.М.Меньшиков, Л.А.Клименко, И.А.Савина, Н.Н.Некрасов, А.И.Кочерги, А.В.Черновалов, З.Цекановский, З.Шиманьский, П.А.Черновалов, М.В.Шебенков, Д.А.Хомжаков, С.А.Махошева⁴ ва бошқаларнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири

³ David P. The dynamo and the computer: anhistorical perspective on the modern productivity paradox. The American Economic Review. 1990. Vol. 88. № 2. P. 355—361; Маслоу А.Г. Мотивация и личность. 3-е изд. Санкт-Петербург: «Питер»-2002. 478 с; Канке В.А. Философия экономической науки: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2009. 384 с; Жан Батист Сей, Фредерик Бастиа. “Трактат по политической экономии”. – Москва. Дело, 2000, 232 с; Альфред Маршалл. Принципы экономической науки. Москва. Прогресс, 1993, 594 с; Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001, 263 p; Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn: Yale University Press, 2006, 515 p; Tapscott D. The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. New York; Montreal: McGraw-Hill, 1996, 342 p; Damodar N. Gujarati (2004), “Basic Econometrics”, The fourth edition, The MacGraw-Hill Companies, 848 p; James D. Hamilton. Time Series Analysis. Library of Congress-In- Publication Data. Princeton University Press, New Jersey, 1994, 154 p; Hanke J.E., and Reitsch A.G. (1995) Business forecasting, 5th ed., Prentice-Hall: Englewood Cliffs, NJ. 120 p; Stoffer, D.S. and R.H. Dhumway, 2010. Time Series Analysis and its Application. 3rd Edn., Springer, New York, ISBN-10: 1441978658, pp: 596; Bhagirath B, Dil Bahadur.Rahut, Narayan.S, Analysis of household access to drinking water, sanitation, and waste disposal services in urban areas of Nepal, <https://doi.org/10.1016/j.jup.2019.100996> Received 21 May 2019; Received in revised form 1 December 2019; Accepted 2 December 2019;

⁴ Меньшиков.С.М., Клименко.Л.А. Длинные волны в экономике. Изд.стереотип. URSS. 2016. 288 с. ISBN 978-5-9710-3427-8; Савина И.А. Монография. Моделирование системы управления качеством в ЖКХ . Под науч. ред. д-ра экон. наук Б.И. Герасимова. Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2006. 36 с; Некрасов Н.Н. Региональная экономика//Изд.2-е М.: Экономика, 1978. — 340 с.; А.И.Кочерги. Сфера обслуживания населения: региональные

хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга эътибор қаратганлар.

Ўзбекистонда иқтисодийнинг асосий тармоқларидан бири хизматлар соҳасини назарий-услубий жиҳатлари Ё.А.Абдуллаев, Т.Ш.Шодиев, М.Қ.Пардаев, Б.Н.Навруз-Зода, Б.Б.Беркинов, Б.Р.Рузметов, И.С.Абдуллаев, Т.Д.Досчанов, Р.Х.Эргашев, Н.М.Махмудов, С.О.Хомидов, Н.Р.Авазов, О.С.Умаров, Х.С.Мухитдинов⁵ ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Ушбу тадқиқотларда республикада хизматлар соҳасининг назарий-услубий асослари олимлар томонидан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўрганилган, аммо қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб ошириш ва ривожлантириш таъсирига доир илмий изланишларнинг амалга оширилмаганлиги диссертациянинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-04 рақамли «Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017–2020 йй) билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб ошириш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Белгиланган тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

рақамли иқтисодий шароитида қишлоқ жойларнинг коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини оширишнинг объектив зарурати бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақамли трансформация жараёнини ҳисобга олиб смарт коммунал хизмат тушунчасига назарий таъриф

проблемы / под. ред.-К.: Наукова думка, 1980 – 423 с; Черновалов А.В., Цекановский З., Шиманьский З., Черновалов П.А. «Цифровое будущее или экономика счастья?» монография. // М.: Дашков и Ко, 2018. – 218 с

⁵ Абдуллаев Ё.А. Статистиканинг умумий назарияси . Дарслик .Т.:”Ўқитувчи” , 1993-240б. ; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. –380 с.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Модернизация, диверсификация ва инновация –иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари: Монография . Навруз ,2014.104 б.; 2020.; Б.Н.Навруз-зода. “Қишлоқ жойларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш модели”: “Сервис”-илмий-амалий журнал 2019 йил 3-сон 49б.; Б.Б.Беркинов., М.С.Қосимов., М.Т.Асқарова “Ўзбекистонда газ, электр энергияси, коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар тарифлари ошиши сабабларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган” Амалий қўлланма “Иқтисодий”-2018.-3б.; Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т. 1998. - 39 с.; Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори диссертацияси автореферати.-Тошкент: ТДИУ, 2017 йил.-66 бет.; Досчанов Т.Д. Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК. дисс. на. соис. докт. экон. наук. Ташкент. 1990. – 405 с. Эргашев Р.Х. Устойчивое развитие сельского хозяйства Кашкадарьинской области // Экономика и финансы. М.: 2009.- № 3.- 12-14 с. Мухитдинов Х.С. ва бошқ Аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш. Монография. –Т.: LESSON PRESS, 2020

ишлаб чиқиш;

қишлоқ жойларида коммунал хизматлар сифатини оширишда хориж тажрибаларини тадқиқ этиш ҳамда уларни мамлакат ҳудудидаги қишлоқ жойлари шароитига мос келадиганларини таклиф этиш;

Қашқадарё вилоят қишлоқ жойларининг коммунал хизматлар соҳаси ҳолатини таҳлил қилиш;

мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини оширишнинг “смарт коммунал хизмат” модели бўйича назарий тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини оширишда узлуксиз тўлов назорат механизмига назарий таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини оширишнинг электрон бизнес ахборот базасини яратиш;

мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар соҳасини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

қишлоқ аҳолисига “ақлли” коммунал хизматларни кўрсатиш тенденциялари ва ривожланиш истикболларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳалари ва субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатишнинг сифатини АКТдан фойдаланиб оширишга доир амалга оширилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантиқий ва таққослаш усуллари, статистик ва эконометрик моделлаштириш, социологик сўровнома усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида рақамли трансформация жараёнини ҳисобга олган ҳолда “коммунал хизмат кўрсатиш” ва “смарт коммунал хизматлар” тушунчалари такомиллаштирилган;

қишлоқ жойларида инновацион коммунал хизматларни яратишда рақамли видео девор (улкан харита) асосий элементлари (маълумотлар базаси сервери, веб-сервер, СМС-шлюз ва МТТ сервери) дан ташқари, электрон тўлов назорат мобил телефонлари, мобил операторлар, интернет тармоғи ва иш станцияларидан фойдаланиш схемаси ишлаб чиқилган;

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида АКТдан фойдаланиш сифатини ошириш мақсадида “Смарт коммунал хизмат кўрсатиш” марказларининг электрон базасининг функционал тузилмаси ва унинг функционал талаблари ишлаб чиқилган;

Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларда уй-жой коммунал хўжалигига боғлиқ хизматлар сифатини оширишнинг 2021–2025 йиллар давомидаги прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасининг рақамли иқтисодиёт таъсири остида смарт коммунал хизмат тушунчасининг таърифи, АКТ дан унумли фойдаланиш орқали оптимал бошқариш ва назорат қилиш билан боғлиқ кўрсаткичлари асослаб берилган;

қишлоқ жойларида “Смарт коммунал хизмат” кўрсатиш марказлар ташкил қилиниши, рақамли видео девор (улкан харита) орқали диспетчер реал вақт режимида кузатиладиган тизимнинг ҳар бир тугунидаги вазиятни кузатиши учун қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатиш даражасини рақамлаштириш усули ишлаб чиқилган;

АКТ билан тўлиқ таъминланган ва инновацион фаолият йўналишига тегишли бўлган, коммунал хизматлар кўрсатишнинг энг замонавий тури бўлган электрон бизнес-ахборот базаси шакллантирилган;

мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини оширишнинг узлуксиз тўлов назорати механизмини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган;

мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар соҳасини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолаш усуллари таклиф этилган ва Қашқадарё вилояти уй-жой коммунал хизматлар хажмининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда барқарор ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси, Қашқадарё вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси маълумотларидан фойдаланилганлиги, келтирилган таҳлилларнинг математик, статистик ва эконометрик усулларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда қишлоқ жойлардаги коммунал хизмат кўрсатишда АКТнинг ўрни ва уни ривожлантириш бўйича берилган таклифлар асосида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг рақамли трансформация жараёнидаги ўрнини назарий-услубий асосларини такомиллаштирилишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида рақамли трансформация жараёнини ҳисобга олган ҳолда “коммунал хизмат кўрсатиш” ва “смарт коммунал хизматлар” тушунчаларига берилган таърифи Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 03 майдаги №01/16-1989 сонли маълумотномаси).

Натижада, “коммунал хизмат” ва “смарт коммунал хизмат” тушунчаларининг мазмунини тизимли ва кенгроқ тушуниш орқали коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини самарали бошқариш имконини берди;

қишлоқ жойларида инновацион коммунал хизматларни яратишда рақамли видео девор (улкан харита) асосий элементлари (маълумотлар базаси сервери, веб-сервер, СМС-шлюз ва МТТ сервери) дан ташқари, электрон тўлов назорат мобил телефонлари, мобил операторлар, интернет тармоғи ва иш станцияларидан фойдаланиш ишлаб чиқилган схемаси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 03 майдаги №01/16-1989 сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу моделдан фойдаланиш коммунал хизматлар сифат даражасини аниқлаш ҳамда соҳани барқарор ривожлантириш учун аниқ чора-тадбирларни белгилаш имконини берди;

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида АКТдан фойдаланиш сифатини ошириш мақсадида “Смарт коммунал хизмат кўрсатиш” марказларининг электрон базасининг функционал тузилмасини такомиллаштириш таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 03 майдаги №01/16-1989 сонли маълумотномаси). Натижада қишлоқ жойларда ҳам коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси сифатини ошириш мақсадида ва унинг тармоқларини АКТдан фойдаланиш даражасини баҳолаш, рақамлаштириш ҳолатига ижобий ва салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ҳамда рақамли трансформацион жараёнларини жадаллаштириш имконият яратган;

Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларда уй-жой коммунал хўжалигига боғлиқ хизматлар сифатини оширишнинг 2021–2025 йиллар давомидаги прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Қашқадарё вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2021 йил 03 майдаги №01/16-1989 сонли маълумотномаси). Натижада 2025 йилда Қашқадарё вилоятида уй-жой коммунал хизматлар ҳажми 2020 йилга нисбатан 1,83 баробар ўсиши ва техник синаш ва уй-жой қурилиш хизматларига боғлиқ хизмат кўрсатиш ҳажми 2020 йилга нисбатан 2025 йилга бориб эса 2,78 баробарга ошиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журнал, шунингдек 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайдлаш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 135 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб оширишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида рақамли иқтисодиёт шароитида қишлоқ жойларнинг коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини оширишнинг объектив зарурати, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли трансформация жараёни ҳамда коммунал хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган.

Кейинги йилларда кўпгина олимларнинг илмий асарларида коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш мезо, микро ва макро даражада тадқиқ этилган.

Биз таҳлил қилган хорижий ва маҳаллий олимларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, нодавлат ноижорат ташкилотлари фуқароларга ўзларининг шахсий ва биргаликдаги мулкларини бошқариш учун реал имконият яратади, бу хусусан, инсон ҳаёти сифатини яхшилашга ёрдам беради.

“Коммунал хизматлар” тушунчасининг таърифига турлича ёндашувлар мавжуд. Биринчи ёндашувга кўра “коммунал хизматлар – бу совуқ сув таъминоти, иссиқ сув таъминоти, канализация, электр энергияси, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти бўйича фуқароларнинг яшаш жойларида яшаш шароитлари яхшилаш хизматидир”, деб таъриф берилади⁶. Иккинчи ёндашувда аҳолига хизмат кўрсатиш учун ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига қамраб олишни инобатга олиб, “коммунал хизмат – бу хавфсиз, қулай ва фаровон ҳаётни ва уларда аҳолининг (истеъмолчининг) мавжудлигини яратадиган тураржой биноларининг ишлашини таъминлайдиган иқтисодиёт тармоқлари мажмуи”, деб таъриф беради⁷.

Бу тушунчалар деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Бизнинг фикримизча, коммунал хизмат тушунчаси, бу муайян бир жойда истиқомат қиладиган аҳолига яшаш муҳитини яхшилаш учун таъсир қиладиган хизматлардир.

Биз “коммунал хизмат кўрсатиш” тушунчасига ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида рақамли трансформациясини ҳисобга олишни киритиш асосида “смарт коммунал хизмат” кўрсатиш иборасининг қуйидаги такомиллашган таърифини берамиз. **Смарт (рақамли) коммунал хизмат кўрсатиш** – ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда

⁶ Фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида: Россия Федерацияси Хукуматининг 2006 йил 23 майдаги қарори № 307 // "Гарант" СПС.

⁷ [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Жилищно-коммунальное хозяйство \(ЖКХ\).](https://ru.wikipedia.org/wiki/Жилищно-коммунальное_хозяйство_(ЖКХ))

интернет тармоқлари билан универсал хизмат технология ва телекоммуникация саноатининг табиати тез ўзгариши шароитида ҳаракатланувчи иқтисодий муносабатларини ифодаловчи фойдали бизнес фаолиятнинг товар кўринишида ёки ҳаракатлар, ёхуд рақамли фаолият кўринишида намоён бўладиган муайян натижавий коммунал хизмат туридир⁸. Смарт коммунал хизмат кўрсатиш таърифидан келиб чиқиб, унинг асосий вазифалари белгилаб олинди ва улар 1-расмда таъсирланган.



1-расм. Смарт коммунал хизмат кўрсатиш вазифалари⁹

Юқоридаги расмда смарт коммунал хизматларнинг муҳим вазифаларини белгилашда асосан икки хил ёндашув қўлланилган. Булар:

1. “Коммунал хизматлар кўрсатишда рақамли имкониятлар” деб ажратиб, бунда соҳани автоматлаштириш тизимига ўтказиш вазифалари кўрсатилган.

2. “Молиявий таҳлил қилиш имконияти”дан келиб чиқиб, коммунал хизматларга тегишли бўлган маълумотлар базасини яратиш ва молиявий мониторинг вазифалари кўрсатилган.

Шу билан бирга, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб,

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосийларидан бири коммунал хизматни трансформациялашувига ва унинг янги шакли бўлган ҳозирги замон талабларига мос келадиган хизматларнинг шаклланишига олиб келади.

“Смарт коммунал хизматлар” кўрсатишнинг “анъанавий коммунал хизмат” кўрсатиш билан уларнинг ўртасидаги тафовутлар 6 та тафовут аломатлар бўйича фарқлари қиёсий таҳлил қилинди (1-жадвал).


1-жадвал

“Анъанавий коммунал хизмат” ва “Смарт коммунал хизмат” кўрсатиш турлари ўртасидаги тафовутлар¹⁰

№	Тафовут аломатлари	Анъанавий коммунал хизмат кўрсатиш	Смарт коммунал хизмат кўрсатиш
1	Мотивацион	Истеъмолчиларни қишлоқ жойларда реал коммунал хизмат кўрсатиш орқали жалб қилиш мотивацияси	Истеъмолчиларни қишлоқ жойларда виртуал коммунал хизмат кўрсатиш орқали фаолроқ жалб қилиш мотивацияси
2	Инновацион	Одатий коммунал хизмат кўрсатиш	Янги турдаги рақамли технологияларидан фойдаланган ҳолда коммунал хизмат кўрсатиш
3	Маркетинг	Маркетинг воситалари ёрдамида коммунал хизмат кўрсатиш	Рақамли маркетинг воситаларидан фойдаланган ҳолда коммунал хизмат кўрсатиш
4	Менежмент	Менежмент усулларидан фойдаланиб коммунал хизматлар анъанавий, оффлайн-офислар орқали бошқарилиши	Замонавий менежмент усулидан фойдаланиб коммунал хизматлар кўпроқ веб сайт ва электрон платформалар орқали бошқарилади
5	Ижтимоий	Истеъмолчилар тор доирадаги таниш-билишлари билан кўрсатилган хизматлар ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашиш	Истеъмолчилар кенг доирадаги ижтимоий тармоқларда кўрсатилаётган янги смарт хизматлар ҳақидаги маълумотларни тарқатиш
6	Мобиллик	Истеъмолчилар коммунал хизматларни қабул қилиш, коммунал тўловларни амалга ошириш, коммунал хизмат объектларига турли транспорт воситалари орқали бевосита фойдаланиш	Истеъмолчилар коммунал хизматларни қабул қилиш, коммунал тўловларни амалга ошириш, виртуал воситалардан фойдаланилган ҳолда исталган жойидан туриб онлайн тарзда коммунал хизматларни амалга ошириш

1-жадвалдан кўришиб турибдики, рақамли технологияларни коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кенг қўллаш натижасида юзага келган смарт коммунал хизмат кўрсатиш фаолиятига “ақлли” асбоб-ускуналарни ҳисобга олишни жорий этиш муҳим рол ўйнайди ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш турларини онлайн амалга оширишга имкон яратади. Шу боисдан коммунал хизматлар кўрсатишни рақамли трансформация жараёнида электрон платформа ташкил қилиш мақсадида унинг ташкилий технологик жараёнининг уч босқичли тизими шакллантирилиши тавсия этилади (2-расмда).

¹⁰ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.



2-расм. Смарт коммунал хизмат кўрсатишнинг рақамли платформага ўтказилиш жараёни¹¹

Коммунал хизмат кўрсатишнинг рақамли платформага ўтказилиш жараёни бу коммунал хизмат кўрсатишнинг бизнес модели бўлиб, аниқ мувофиқлаштирилган коммунал хизматларини тақдим этади. Платформа истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчиларга ишонч рейтингини тузиш, контрагентларни топиш, битимлар тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга оширишда ўзаро алоқаларни тезлаштиришга имкон беради.

АҚШнинг ушбу масала бўйича илғор тажрибасидан келиб чиқиб, баъзи бир хорижий олимларнинг фикрига кўра коммунал хизмат ва коммунал тўловларни рақамлаштириш инсон капитали танқислиги нуқтаи назаридан келиб чиқиши эътироф этилган. Кейинчалик рақамли технологиялардан фойдаланишнинг самарали ёндашуви, маҳаллий фирмаларнинг имкониятларини оширишга ва шаҳарларда яшашни истамайдиган тажрибали тадбиркорларнинг улушини жалб қилиш мақбул вариант ҳисобланади.

Тадқиқотнинг “Мамлакатнинг қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми” деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилоятида қишлоқ жойларининг коммунал хизматлар соҳаси ҳолати, мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг “Смарт коммунал хизмат” модели ва мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг узлуксиз тўлов назорати механизми каби

¹¹ Муаллиф изланишлари натижасида ишлаб чиқилган.

масалалар тадқиқ қилинган.

Коммунал хизматлар кўрсатиш орқали аҳоли турмуш даражасини ҳамда сифатини яхшилашдаги ролини ошириш, биринчи навбатда, ушбу соҳанинг бугунги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни, мавжуд бўлган муаммоларни аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни ва келажакда улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, унда содир бўлаётган миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилояти мисолида социологик сўровнома ва SWOT таҳлиллар асосида тадқиқотларни амалга оширилди. Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларининг асосий ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги SWOT таҳлил ўтказилди (3-расм).

S- КУЧЛИ ТОМОНЛАР	W- ЗАИФ ТОМОНЛАР
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларнинг узоқ муддатга ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиниши; ➤ Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги; ➤ Коммунал хизмат кўрсатишда ишчи кучининг таъсири; ➤ Коммунал хизмат кўрсатишнинг электр энергияси ва газ таъминотида SMART ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши бошланганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Кадрлар малакасининг талабга жавоб бермаслиги; ➤ Коммунал хизмат кўрсатиш субъектларининг истиқболли режаларининг асоссиз тузилганлиги; ➤ Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги; ➤ Қулай хизмат кўрсатиш муҳитини шакллантириш бўйича етарли ахборотга эга эмаслиги; ➤ Илмий-техника тараққиёти янгиликларидан ўз вақтида фойдаланмаслиги.
O- ИМКОНИЯТЛАР	T- ТАҲДИДЛАР
<ul style="list-style-type: none"> ➤ Тўловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция киритиш истагининг мавжудлиги; ➤ Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига ҳукумат томонидан устувор вазифалар белгиланиши; ➤ Коммунал хизмат кўрсатиш хизматларининг бозорга тез мослашувчанлиги; ➤ Ҳудудларда соҳа бўйича ахборот, консалтинг хизматларини кўрсатиш ва уни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ Хизматларга қуйилган таърифларнинг нарх-наволар ва фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги; ➤ Бошқа ҳудудлар билан хизматлар бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги; ➤ Мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги.

3-расм. Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларида коммунал хизматлар кўрсатишнинг SWOT таҳлили¹²

Ўтказилган SWOT-таҳлил натижалари қишлоқ ҳудудларда барча заиф томонлар ва таҳдидларини бартараф этиш, кучли томонлар ҳамда имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича самарали қарорлар қабул қилиш имконини беради ва шу асосида минтақада хизмат кўрсатиш соҳасида

¹² Муаллиф изланишлари натижасида ишлаб чиқилган.

самарадорликни оширишда ташкилий-иқтисодий механизмлардан тўлароқ фойдаланиш имкониятини яратади деб ҳисоблаймиз.

Рақамли трансформациялашув илғор технологиялар асосида инновацион маҳсулот ва хизматларни яратиш, мутлақ янги бўлган бизнес моделлар ва илғор таҳлилий усулларнинг яратилиши орқали намоён бўлмоқда

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари иқтисодиёт ва унинг соҳаларини барқарор ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шу туфайли диссертацияда мавжуд усул ва ёндашувларга асосланиб, коммунал хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирлар “Смарт коммунал хизмат” модели ва коммунал тўловлар миқдорини ҳисоблашнинг қуйидаги такомиллаштирилган усули таклиф қилинди.

$$Q_{um}(t, \tau) = \sum_{i=1}^s \frac{S_i(t, \tau)}{C_i(t, \tau)} \quad (1)$$

t- йилнинг τ - ойига мос, амалда истеъмол қилинган электр энергияси, газ, ёки сув миқдори;

$$Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^{12} Q_{um}(t, \tau) \quad (2)$$

t-йилга мос, амалда истеъмол қилинган электр энергияси, газ, ёки сув миқдори;

$$Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^T Q_{um}(t) \quad (3)$$

T-йил даврда, мос ҳолда, амалда истеъмол қилинган электр энергияси, газ ёки сув миқдори;

$$\bar{C}_k(t, \tau) = \frac{S_1(t, \tau) + \dots + S_5(t, \tau)}{Q_1(t, \tau) + \dots + Q_5(t, \tau)} \quad (4)$$

t- йилнинг τ -ойига мос ўртача 1 квт соат электр энергияси, 1 м³ газ, ёки 1 м³ сувни тарифи, сўмда;

3-жадвал

Математик усуллардан фойдаланилган ҳолда смарт ҳисоблагичларнинг истеъмол қилинган электр энергия, газ ва сув миқдорини ҳисоблаш¹³

№	Истеъмол қилинган электр энергия, газ ва сув миқдорларини ҳисоблаш	Ҳисоблаш формуласи
1	ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ	$\bar{C}_{эл}(t, \tau) = \frac{S_1(t, \tau) + \dots + S_n(t, \tau)}{Q_1(t, \tau) + \dots + Q_n(t, \tau)}$
2	ГАЗ	$\bar{C}_{газ}(t, \tau) = \frac{S_2(t, \tau) + \dots + S_n(t, \tau)}{Q_2(t, \tau) + \dots + Q_n(t, \tau)}$
3	СУВ	$\bar{C}_{сув}(t, \tau) = \frac{S_3(t, \tau) + \dots + S_n(t, \tau)}{Q_3(t, \tau) + \dots + Q_n(t, \tau)}$

Бундаги шартли белгилар қуйидаги маънони билдиради:

$\bar{C}_{эл}(t, \tau)$, $S_{1:эл}(t, \tau)$ - мос ҳолда, аҳолининг электр учун 1 квт/соат тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва аҳолини электр учун ойлик тўлаган тўловлари

¹³ Муаллиф изланишлари натижасида ишлаб чиқилган.

суммаси;

$\bar{C}_{\text{газ}}(t, \tau)$, $S_{2\text{газ}}(t, \tau)$ - мос ҳолда, аҳоли учун 1 м^3 газга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва аҳолини газ учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси;

$\bar{C}_{\text{сув}}(t, \tau)$, $S_{3\text{сув}}(t, \tau)$ - мос ҳолда, аҳоли учун 1 м^3 сувга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва аҳолини сув учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси.

Мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг узлуксиз тўлов назорати механизмига ўтиш ташаббуси мобил технологияларнинг афзалликларини жамиятнинг барча соҳаларига ёйиш, хусусан коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг янги моделларини яратишга қаратилган.

Мамлакат қишлоқ жойларида узлуксиз тўлов назорати механизмига ўтиш, электрон ва мобил тўлов тизимларини ривожлантириш йўлидаги асосий муаммолар куйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Узлуксиз тўлов назорати механизмини ташкил қилишдаги муаммолар¹⁴

Муаммонинг турлари	Муаммоларни баён этишдаги изохлар
Иқтисодий муаммолар	Аҳолининг асосий қисми тўлов қобилиятининг пасайишига олиб келган иқтисодиётдаги инқироз ҳодисалари молиявий (шу жумладан коммунал соҳа) хизматлар соҳаси, аҳоли орасида фаол тўловчилар сонининг кескин камайиши, шу билан бирга, жуда кўп микдордаги қарздорликни ундиролмаслик.
Техник муаммолар	Молия бозорларига илғор технологияларнинг кириб бориши даражасидаги сезиларли орқада қолиш мобил тўлов тизимларининг ривожланиш динамикасига кескин таъсир кўрсатмоқда. Муаммо илғор технологияларни қўллаб-қувватловчи мобил қурилмалар бозорининг нисбатан кичик улушида ҳам, улардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш учун ривожланган инфратузилма мавжудлигидадир.
Ижтимоий муаммолар	Мамлакатимизда АКТга бўлган ишончнинг тарихий жиҳатдан пастлиги мобил тўлов тизимларини кенг жорий этиш йўлидаги муҳим тўсиқ бўлиб қолди. Нақд тўловлар билан солиштирганда ва ҳатто тўлов карталарига асосланган тўловлар билан солиштирганда аниқ қулайлик ҳали минтақа аҳолисининг катта қисмини замонавий технологияларни ишлатишдан сақлайдиган кўрқувни баргараф эта олмайди.
Кадрлар билан боғлиқ муаммолар	Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида мобил тўлов тизимларини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланадиган ривожланган илмий мактабларнинг деярли йўқлиги, шунингдек молия ташкилотлари ва телекоммуникация операторларидан тегишли соҳа мутахассисларига талабнинг ҳали ҳам пастлиги деярли йўқ бўлишига олиб келди. Минтақанинг ихтисослаштирилган техник олий ўқув юртларида мобил тўлов тизимлари бўйича ихтисослаштирилган ўқув курслари кам кузатилади.

Шубҳасиз, белгиланган муаммо гуруҳлари бир-бири билан чамбарчас

¹⁴ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

боғлиқдир. Масалан, технологик ривожланиш даражаси иқтисодий мақсадга мувофиқлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида нафақат кенг ижтимоий гуруҳлар томонидан талаб мавжудлиги билан, балки инвестициялар чегарасининг пасайиши билан ҳам белгиланади (бошқа нарсалар, тегишли мутахассисларнинг ўртача иш ҳақиға боғлиқ бўлиб, ўзларининг ўқув базалари бўлмаган тақдирда кескин ошиб боради).

Ушбу муаммоларни бартараф этишда, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг узлуксиз тўлов назорати механизмига трансформация қилиш учун энг аввало сифатли хизмат кам сарф харажат талаб қиладиган электрон мобил тўлов тизимини ташкил этишда илмий ёндашиш тўғри деб ҳисоблаймиз.

Электрон мобил тўлов тизими илмий асосланган ҳолда рақамли видео девор (улкан харита) орқали диспетчер реал вақт режимида кузатиладиган тизимнинг ҳар бир тугунидаги вазиятни кузатиши учун қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатиш даражасини рақамлаштириш усули ишлаб чиқишни ташкил этишнинг умумий схемаси 4-расмда таъсирланган. Рақамли видео девор (улкан харита) асосий элементлари (маълумотлар базаси сервери, веб-сервер, СМС-шлюз ва МТТ сервери) дан ташқари, электрон тўлов назорат мобил телефонлари, мобил операторлар, Интернет тармоғи ва иш станцияларидан фойдаланиш схемаси кўрсатиб ўтилган.



4-расм. Электрон тўлов назорат мобил тизимининг рақамли видео девор ташкил этишнинг умумий диаграммаси¹⁵

Ушбу таклиф этилаётган электрон тўлов назорат мобил тизимининг рақамли видео девори коммунал хизматлар кўрсатишни бошқариш, самарадорлигини ошириш вазифаси, қандай хизмат кўрсатиш ва қанча ҳажмда тақдим этилишини белгилашда амалга оширилиши ва коммунал хизматларини кўрсатишни тартибга солиш механизмининг институционал ва ташкилий асосларини шакллантиришда рақамли усуллари ўз ичига олишни исботлайди.

Тадқиқот ишининг **“Мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг электрон бизнес ахборот базасини яратиш ва истиқболни прогнозлаш”** деб номланган учинчи бобида мамлакат

¹⁵ Муаллиф изланишлари натижасида ишлаб чиқилган.

қишлоқ жойларида коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг электрон бизнес ахборот базасини яратиш, мамлакат қишлоқ жойларида коммунал хизматлар соҳасини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар таъсирини баҳолаш ва қишлоқ аҳолисига “ақлли” хизматларни кўрсатиш тенденциялари ва ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ҳар бир электрон бизнес ахборот тизими ташкилот олдидаги муаммолардан бирини ҳал этиш учун маълум вазифани бажаришга хизмат қилади. Муаммони ҳал этиш учун ташкилот менежменти томонидан муаммони бартараф этиш стратегиясида зарур ахборот технологияларидан фойдаланиш, ташкилотга ўзгаришлар киритиш ва ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун зарур.

5-жадвал


Смарт коммунал хизмат кўрсатиш марказларининг электрон базасининг функционал тузилмаси ва унинг функционал талаблари¹⁶

№	Талабнинг номи	Тавсифи	Ҳаракат
